

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ АЛИШЕР БЕКМУРОДОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИГА
МОСЛАШТИРИЛГАН САМАРАДОР ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИК
ҚУРИЛМАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Сафаров Алишер Бекмуродович

Бухоро вилоятининг иқлимий шароитларига мослаштирилган
самарадор шамол энергетик қурилмасини яратиш..... 3

Сафаров Алишер Бекмуродович

Создание эффективной ветроэнергетической установки,
адаптированной к климатическим условиям Бухарской области 21

Safarov Alisher Bekmurodovich

Creation of an efficient wind power plant adapted to the climatic
conditions of the Bukhara region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ АЛИШЕР БЕКМУРОДОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИГА
МОСЛАШТИРИЛГАН САМАРАДОР ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИК
ҚУРИЛМАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Г777 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садуллаев Насулло Нематович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тоиров Олимжон Зувурович
техника фанлари доктори, профессор

Уришев Боборахим Уришевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-9, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 6 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил 9 июнь куни тарқатилди.
(2021 йил 9 июнь даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш, энергия узлуксизлиги ва ишончлилигини оширишда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 2021 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда иссиқхона газлари ва чиқиндиларни камида 40 % га камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш улушини 32% га, энергия самарадорлигини 32,5% га ошириш режалаштирилганлигини ҳисобга олсак»¹, энергия узлуксизлиги ва ишончлилигини оширадиган шамол энергетик қурилмаларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ҳудудларнинг иқлим шароитларига мослаштирилган шамол энергетик қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кичик қувватли энергия истеъмолчилари учун оптимал шамол энергетик қурилмалари конструкциясини яратиш ва уларнинг параметрларини илмий асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, иқлим шароитларига мослаштирилган шамол энергетик қурилмаларини яратиш, уларнинг технологик иш жараёни ва энергетик параметрларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз энергетика тармоқларида шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, энергия тежамкор технологиялар асосида такомиллашган шамол энергетик қурилмаларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида инновация технологияларини, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, шамол энергиясидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган энергетик қурилмаларини яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда оптимал параметрларини асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини

¹ https://ec.europa.eu/clima/policies/strategies/2030_en

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шамол энергиясидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган энергетик қурилмаларни яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан хорижда П.П. Безруких, В.Т. Чонг, Ванг Чо, Кооксун Ли, Н.Е. Жуковский, Я.И. Шефтер, Е.М. Фатеев, Ж.М. Дарриус, С.Ж. Савониус, А.М. Рашам, К.М. Азад, Е.В. Соломин, В.В. Елистратов, С.Г. Обухов шуғулланишган.

Республикамизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, шамол энергетик қурилмаларининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Қ.Р. Аллаев, Р.А. Захидов, Ў.А. Таджиев, К.Т. Алимходжаев, У.Ғ. Деҳқонов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида марказлашган энергия таъминотидан узокда жойлашган ҳудудларда шамол электр станцияларини лойиҳалаш ишларида фойдаланиб келинаётган бўлсада, аммо республикамизнинг жанубий ҳудудларига мослаштирилган ўзгарувчан ва кучсиз шамол оқимларида ишлашга мўлжалланган шамол энергетик қурилмаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф2-62 «Саноат корхонаси интеллектуал электр тармоғини умумлашган самарадорлик кўрсаткичи асосида яратиш назариясини ривожлантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кучсиз шамол оқимларида ишлайдиган вертикал ўқли шамол энергетик қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятининг турли баландликдаги шамол энергияси ресурслар салоҳиятини баҳолаш;

иқлим шароитларига мослаштирилган янги турдаги вертикал ўқли шамол энергетик қурилмасини ишлаб чиқиш;

вертикал ўқли шамо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си­нинг кон­струк­тив ўл­ча­м­ла­ри ва энер­ге­тик па­ра­метр­ла­ри­нинг ша­мо­л оқи­ми тез­ли­ги­га боғ­лиқ­ли­ги­ни та­в­си­ф­лов­чи ма­те­ма­тик мо­де­ли­ни иш­лаб чи­қи­ш;

ша­мо­л қу­рил­ма­си­нинг бар­қарор ва ўз­гар­мас ай­лан­ти­рув­чи мо­мент­ни аниқ­лаш­да йў­нал­ти­рув­чи сир­т­лар­нинг оп­ти­мал ге­омет­рик па­ра­метр­ла­ри­ни аниқ­лаш;

таш­қи йў­нал­ти­рув­чи сир­т­лар­нинг оп­ти­мал ге­омет­рик ўл­ча­м­ла­ри­ни йў­нал­ти­рил­ган ша­мо­л оқи­ми тез­ли­ги ўз­га­ри­ши­га боғ­лиқ­ли­ги­ни аниқ­лаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кучсиз ша­мо­л оқи­м­ла­ри­да иш­лов­чи вер­ти­кал ўқ­ли ша­мо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си ва у­нинг те­х­но­ло­гик иш жа­раё­ни олин­ган.

Тадқиқотнинг предмети кучсиз ша­мо­л оқи­м­ла­ри­да иш­лов­чи ша­мо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си­нинг па­ра­метр­ла­ри ва вер­ти­кал ўқ­нинг ай­ла­ниш со­ни­га боғ­лиқ ра­виш­да улар­ни ўз­га­риш қо­ну­ни­ят­ла­ри ҳисоб­ла­на­ди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жа­раё­ни­да ма­те­ма­тик мо­дел­лаш­ти­риш, ма­те­ма­тик ста­ти­сти­ка на­за­рия­си, эҳ­ти­мол­лар на­за­рия­си ва та­ж­ри­ба­лар­ни ре­жа­лаш­ти­риш усул­ла­ри­дан фой­да­ла­нил­ган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйи­да­гилар­дан иборат:

таш­қи йў­нал­ти­рув­чи сир­т­лар­га эга бўл­ган, ички қа­ра­ма­қар­ши ай­ланув­чи ша­мо­л ғил­ди­рак­ла­ри­нинг пар­рак­ла­ри вер­ти­кал ўқ­қа нис­ба­тан пар­рак­лар ораси­да­ги масо­фа кен­гли­ги­да қия­лаш­ти­рил­ган ҳам­да ста­тор ва ро­то­ри қа­ра­ма­қар­ши то­мон­га ай­ланув­чи, ак­си­ал кўп қут­бли ге­не­ра­тор­ли вер­ти­кал ўқ­ли ша­мо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си иш­лаб чи­қил­ган;

ша­мо­л энер­гия­си­нинг по­тен­ци­а­ли­ни ҳисоб­га ол­ган ҳол­да ўз­га­рув­чан ва куч­сиз ша­мо­л оқи­м­ла­ри­да элек­тр энер­гия­си олиш им­ко­ни­ни бе­ра­ди­ган ста­тор ва ро­то­ри қа­ра­ма­қар­ши то­мон­га ай­ланув­чи ша­мо­л элек­тр ге­не­ра­тор­ининг кон­струк­ция­си та­ко­мил­лаш­ти­рил­ган;

қу­рил­ма­га йў­нал­ти­ри­лаёт­ган ша­мо­л оқи­ми­нинг уз­лу­ксиз­ли­ги­ни таъ­мин­лаш ва ша­мо­л пар­рак­ла­ри­га акс таъ­сир қилув­чи куч­лар­ни ка­май­ти­риш усу­ли таш­қи йў­нал­ти­рув­чи сир­т­лар­нинг ге­омет­рик ўл­ча­м­ла­ри ва улар ор­қали ўз­гар­ти­рил­ган ша­мо­л оқи­ми тез­ли­ги­ни ҳисоб­га ол­ган ҳол­да асо­слан­ган;

куч­сиз ша­мо­л оқи­м­ла­ри­да иш­лай­ди­ган вер­ти­кал ўқ­ли ша­мо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си­нинг тур­ли ба­лан­д­лик­лар­да­ги ша­мо­л оқи­ми­нинг тез­ли­ги­ни ҳисоб­га ол­ган ҳол­да қув­ва­ти, иш­лаб чи­қара­ди­ган энер­гия­си ва ша­мо­л энер­гия­си­дан фой­да­ла­ниш ко­эф­фи­ци­ент­ла­ри аниқ­лан­ган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйи­да­гилар­дан иборат:

мар­каз­лаш­ти­рил­ган элек­тр таъ­ми­но­ти­дан узоқ­да жой­лаш­ган чек­ка ҳу­дуд­лар­да­ги истеъ­мо­л­чи­лар учун куч­сиз ша­мо­л оқи­м­ла­ри­да бар­қарор иш­лай­ди­ган вер­ти­кал ўқ­ли ша­мо­л энер­ге­тик қу­рил­ма­си иш­лаб чи­қил­ган;

та­ко­мил­лаш­ган элек­тр ге­не­ра­тор­нинг ста­тор ва до­имий маг­нит­лар­дан таш­кил топ­ган ро­то­ри бир би­ри­га нис­ба­тан қа­ра­ма­қар­ши то­мон­га ай­ла­ни­ши­дан қу­рил­ма ҳаж­ми­нинг их­чам­ла­ши­ши, меҳ­нат, энер­гия ва ре­сурс сар­ф­ла­ри­нинг ка­май­и­ши аниқ­лан­ган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва текширишда математик моделлаштириш усуллариининг қўлланилганлиги, тажрибаларнинг табиий шароитда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган иқлим шароитлари учун мослаштирилган кучсиз шамол оқимларида ишловчи вертикал ўқли шамол энергетик қурилмаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли баландликлардаги шамол энергияси ресурслар салоҳиятини баҳолаш алгоритми асосида, иқлим шароитларига мослаштирилган шамол энергетик қурилмасининг параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишларни бошқа турдош қурилмаларнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмаси ресурс салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда талаб даражасида ишлаши, бунда ёқилғи-энергетик ресурслар харажатларини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилоятининг иқлим шароитларига мослаштирилган самарадор шамол энергетик қурилмасини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

иқлим шароитлари учун мослаштирилган кучсиз шамол оқимларида ишловчи вертикал ўқли шамол энергетик қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (№ FAP 01607, 23.03.2021 й.). Натижада, ўзгарувчан ва кучсиз шамол оқимларида энергия ишлаб чиқаришни ўртача 20% га ошириш имконияти яратилган;

шамол тезлиги паст бўлган ҳудудлар учун самарали ишлаш имкониятини берадиган статор ва ротори қарама-қарши томонга айланувчи шамол электр генераторининг конструкцияси такомиллаштирилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 02/021-3461-сон маълумотномаси). Натижада, шамол тезлиги 2,5-8,0 м/с бўлган ораликда электр энергиясини ишлаб чиқариш ишончлилиги ва узлуксизлиги таъминланишига эришилган;

статор ва ротори қарама-қарши томонга айланувчи, аксиал кўп кутбли генераторли кучсиз шамол оқимларида ишончли ишлайдиган вертикал ўқли шамол энергетик қурилмаси Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Вухого zarhal teks» фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 02/021-3461-сон маълумотномаси). Натижада, 4 кВт қувватли шамол энергетик қурилмасида йилига 7600 кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқаришга ҳамда марказлашган электр

таъминоти тизимига нисбатан йиллик 85 млн.сўм маблағни тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга 1 та патенти олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шамол энергиясидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида шамол энергияси ресурслар салоҳиятини баҳолаш услубиётининг таҳлили, кучсиз шамол оқимларда шамол энергетик қурилмаларини қўллаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳолати, конструктив ечимлар таҳлили натижалари келтирилган. Шамол энергетик қурилмаларига ташқи йўналтирувчи сиртларни қўллаш ва мақбул геометрик ўлчамларни аниқлаш услубиёти ҳамда шамол энергетик қурилмаларига қўлланиладиган паст частотали электр генераторлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлиллари келтирилган. Юқоридагиларга асосан тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Шамол энергияси салоҳиятини баҳолаш ва шамол энергетик қурилмасинининг математик ифодалари**» деб номланган иккинчи боби турли баландликдаги шамол энергияси салоҳиятини баҳолаш услубиёти, кучсиз шамол оқимларда самарали ишлайдиган шамол энергетик қурилмасининг конструктив ўлчамлари ва энергетик параметрларининг шамол оқими тезлигига боғлиқлик математик моделларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Шамол энергетик қурилмаларидан самарали фойдаланишда ҳудуднинг шамол энергияси салоҳиятини аниқ баҳолаш муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Ўлчанган шамол тезлиги маълумотларини статистик қайта ишлаш орқали турли баландликдаги шамол энергияси салоҳиятини ишончли баҳолашда Вейбул ва Релей эҳтимоллик тақсимот функцияларидан кенг фойдаланилади. Шамол тезлиги хусусиятларини баҳолашда Вейбул ва Релей тақсимотининг зичлик ва тақсимланиш интегралли функциялари аниқланиши лозим. Қуйидаги математик ифодалардан фойдаланилди:

Вейбул тақсимоти:

$$f(\bar{v}) = \frac{k}{c} \cdot \left(\frac{\bar{v}}{c}\right)^{k-1} \cdot e^{-\left(\frac{\bar{v}}{c}\right)^k}, \quad 0 \leq \bar{v} \leq \infty \quad (1)$$

$$F(\bar{v}) = \int_0^{\infty} f(\bar{v}) d\bar{v} = 1 - e^{-\left(\frac{\bar{v}}{c}\right)^k}, \quad 1 \leq k \leq 10 \quad (2)$$

Релей тақсимоти:

$$f(\bar{v}) = \frac{2\bar{v}}{c^2} \cdot e^{-\left(\frac{\bar{v}}{c}\right)^2}, \quad 0 \leq \bar{v} \leq \infty \quad (3)$$

$$F(\bar{v}) = \int_0^{\infty} f(\bar{v}) d\bar{v} = 1 - e^{-\left(\frac{\bar{v}}{c}\right)^2}, \quad k = 2 \quad (4)$$

бунда k – шакл параметри (ҳудуднинг жойлашувига боғлиқ); c – функция тақсимланиши масштабини аниқлайдиган параметр (шамол ўртача тезлигига боғлиқ параметр, м/с).

Турли баландликда шамол оқимининг тезлиги ўзгариши ҳаво оқимининг зичлиги, босими ва ҳароратига боғлиқ бўлиб, баландлик ошиб борган сари шамол тезлиги ҳам ўзгаради. Шамол тезлиги ўзгаришининг баландликка боғлиқлик математик ифодаси қуйидагича:

$$V_2 = V_1 \cdot \left(\frac{H_2}{H_1}\right)^\alpha, \quad (5)$$

бунда V_2 – маълум баландликда ўлчанган шамол тезлиги, м/с; V_1 – бошланғич баландликда ўлчанган шамол тезлиги, м/с; H_1 – бошланғич баландлик, м; H_2 – танланган баландлик, м; α – шамолни кесувчи кўрсаткич.

Вейбул ва Релей эҳтимоллик тақсимоти функциясидан аниқланган параметрлари (k , c) орқали шамол оқимидан олинадиган солиштирма қувват ва энергияси қийматларини аниқлашимиз мумкин. Бу параметрлар қуйидаги математик ифодалар орқали аниқланди:

Вейбул тақсимоти:


$$P_B = \frac{1}{2} \rho c^3 \Gamma\left(1 + \frac{3}{k}\right), \quad (6)$$

Релей тақсимоти:

$$P_P = \frac{3}{\pi} \rho c^3 \left(\frac{\pi}{4}\right)^{\frac{3}{2}}, \quad (7)$$

бунда P_B ва P_P – Вейбул ва Релей эҳтимоллик тақсимоти функциясида аниқланган солиштирма қувват, Вт/м²; ρ – ҳаво оқимининг зичлиги, кг/м³; Γ – гамма функция.

Республикамизнинг иқлим шароитларига мослаштирилган ўзгарувчан ва кучсиз шамол оқимларида самарали ишлайдиган вертикал ўқли шамол энергетик қурилмаси ишлаб чиқилди. Қурилма конструкциясининг умумий схемаси 1-расмда акс этган.



1-устки шамол турбинаси; 2-пастки шамол турбинаси; 3-ташқи йўналтирувчи сиртлар (устки); 4-устки айланувчи шамол парраклари; 5- махсус профиллар (парракни ушлаш учун устки қисм); 6-умумий вал; 7,15-конуссимон подшипниклар; 8,16- қувур (устки ва пастки); 9,17- метал профил (устки ва пастки); 10-генератор ротори; 11-ташқи йўналтирувчи сиртлар (пастки); 12-пастки айланувчи шамол парраклари; 13-махсус профиллар (парракни ушлаш учун пастки қисм); 18-генератор статори.
 а – ташқи кўриниши; б – қурилманинг фронтал қирқим кўриниши

1-расм. Шамол энергетик қурилмасининг умумий схемаси

Шамол энергетик қурилмаси кучсиз шамол оқимларида самарали ишлашида қурилмага ташқи йўналтирувчи сиртлар қўлланилди. Ташқи йўналтирувчи сирт қувурчаларига кирувчи ва ундан чиқувчи шамол оқими тезликларининг сирт қувурчалари геометрик ўлчамларига боғлиқлик математик ифодаси куйидагича:

$$\frac{V_1}{V_2} \approx \frac{W_2 \cdot H_2}{W_1 \cdot H_1} = \frac{\left[\frac{D_2 - D_1}{2 \operatorname{tg} \theta} + m \right] \cdot H_2}{\left[\frac{D_2 - D_1}{2 \operatorname{tg} \beta} + m \right] \cdot H_1} = \left(\frac{k + \operatorname{tg} \theta}{k + \operatorname{tg} \beta} \right) \cdot \left(\frac{\operatorname{tg} \beta}{\operatorname{tg} \theta} \right) \cdot \left(\frac{H_2}{H_1} \right) \quad (8)$$

бунда D_1, D_2 – шамол оқимини йўналтирилувчи сирт қувурчалари айланасининг ташқи ва ички диаметрлари, м; θ, β – йўналтирувчи сиртларни вертикал ўққа нисбатан ўрнатилиш бурчаклари; m – шамол оқимини йўналтирилувчи сирт қувурчалари орасидаги минимум масофа, м; k – конструкция коэффиценти.

Қурилмада шамол оқими таъсирида ҳосил бўлувчи механик ҳаракатининг параметрларини аниқлашда куйидаги математик ифодалардан фойдаланилди:

$$\begin{cases} M_M = \frac{1}{2} \rho S R \left[\sum_{i=1}^{i=m} C_d (V \cos(\alpha_i) - \omega_M R)^2 \right] \\ P_M = \omega_M \cdot M_M \\ \omega_M = \frac{a \cdot V}{R} \\ J \frac{d\omega_M}{dt} = M_M - M_r - k \omega_M \end{cases} \quad (9)$$

бунда M_M – механик момент, Н·м; ω_M – механик тезлик, рад/с; J – қурилманинг инерция моменти, кг·м²; k – ишқаланиш коэффиценти; R – ички айланувчи шамол гилдиракнинг радиуси, м; V – шамол тезлиги, м/с; C_d – карусел типдаги шамол парракларнинг пешона қаршилиқ

коэффициенты (2,3 га тенг деб қабул қилинган)³; α_i – шамол парраклари тез айланувчанлик коэффициенти; α_i – шамол оқими шамол парракларига урилиш бурчаги; m – шамол парраклари сони.

Шамол энергетик қурилмасига қўлланилган электр генераторининг конструкциясини тайёрлашда ва энергетик параметрларини аниқлашда куйидаги дифференциал тенгламалар ва математик ифодалардан фойдаланилди:

$$\begin{cases} U_d = R_s i_d + L_d \frac{di_d}{dt} - \omega L_q i_q \\ U_q = R_s i_q + L_q \frac{di_q}{dt} + \omega L_d i_d + \omega \psi_{PM} \\ L_d = L_q = m \mu_0 \frac{1}{\pi} \cdot \left(\frac{N k_w}{p}\right)^2 \cdot \frac{(R_1^2 - R_2^2)}{g'} \\ P_g = \frac{3}{2} \omega [\psi_{PM} + (L_d - L_q) i_d] i_q \\ M_r = \frac{3}{2} p [\psi_{PM} + (L_d - L_q) i_d] i_q \\ \omega = p \cdot (\omega_{1M} + \omega_{2M}) \\ J \frac{d\omega_M}{dt} = M_M - M_g - k \omega_M \end{cases} \quad (10)$$



бунда M_M – механик момент, Н·м; M_g – электромагнит момент, Н·м; P_g – электромагнит қувват, Вт; ω – генераторнинг магнит майдон айланиш тезлиги, рад/с; k – ишқаланиш коэффициенти; p – магнитларнинг жуфт кутблар сони; L_d ва L_q – d ва q ўқдаги индуктивлик, Гн; U_d ва U_q – d ва q ўқдаги статор кучланиши, В; i_d ва i_q – d ва q ўқдаги статор токи, А; ψ_{PM} – магнит оқим, Вб; ω_{1M} – генератор роторининг айланиш тезлиги, рад/с; ω_{2M} – генератор статорининг айланиш тезлиги, рад/с; N – статор чулғамининг ўрамлар сони; m – фазалар сони; R_1 – статорнинг ташқи диаметри, м; R_2 – статорнинг ички диаметри, м; g' – сирт конфигурацияси учун d ва q ўқларидаги эквивалент хава оралиғи, м.

Диссертациянинг «Шамол энергетик қурилмасининг аналитик тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида турли баланкликлардаги шамол энергияси ресурслари салоҳиятини баҳолаш, шамол энергетик қурилмасига қўлланилган ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик мақбул ўлчамини аниқлаш услуби ҳамда электр генератор чиқиш параметрларининг шамол оқими тезлигига боғлиқлик натижалари келтирилган.

2-расмда географик ахборот тизимлари (GIS) технологияси асосида ишлаб чиқилган минтақамизнинг шамол энергетик харитаси маълумотлари келтирилган⁴.

³ R.D. Blevins. Applied Fluid Dynamic Handbook, Krieger, Florida (2003). pp.180

⁴ <https://globalwindatlas.info/area/Uzbekistan>



а)


б)

а – 10 м баландликдаги шамол ўртача тезлиги маълумотлари; б – 10 м баландликдаги шамол оқимининг солиштирма қувват маълумотлари

2-расм. Минтақамизнинг шамол энергетик харитаси


Бунга кўра Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Бухоро вилоятининг турли нукталари ва турли баландликдаги шамол оқимининг энергияси қийматлари Вейбул эҳтимоллик тақсимот функциясидан фойдаланиб баҳоланди (3-расмга қаранг). Минтақада шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари юқори бўлган ҳудудлар, Ғиждувон, Шофиркон, Пешку ва Қоракўл туманлари эканлиги аниқланди.



3-расм. Турли баландликда шамол оқимининг солиштирма энергияси қийматлари

Шамол энергетик қурилмасига қўлланилган ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик мақбул ўлчамларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. 4-расмда шамол энергетик қурилмасига қўлланилган ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик ўлчамлари белгиланиш схемаси келтирилган. Бунда шамол оқими V тезлик билан йўналтирувчи сирт қувурчаларига кирганда ундан чиқишидаги тезликлари V' ва V'' икки бурчак β ва θ , сирт юзалари орасидаги минимум масофалар m_1 ва m_2 га боғлиқ бўлиши аниқланди.



а – йўналтирувчи сиртларнинг соддалаштирилган схемаси; б – йўналтирувчи сиртларнинг устки қисмидан кўриниши

4-расм. Ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик ўлчамлари белгиланиш схемаси

Йўналтирувчи сиртларнинг вертикал ўққа нисбатан ўрнатилиш β ва θ бурчакларнинг минимум ва максимум қийматларини аниқлаш математик ифодаси қуйидагича:

$$\cos(\alpha + \theta_{\text{мин}}) = \cos(\alpha + \beta_{\text{мин}}) = \frac{R_2}{R_1}, \quad (11)$$

$$\theta_{\text{мин}} = \beta_{\text{мин}} = \arccos\left(\frac{R_2}{R_1} - \alpha\right), \quad (12)$$

$$\alpha = 90^\circ - \frac{(180^\circ - \frac{360^\circ}{N})}{2}, \quad (13)$$

$$\theta_{\text{макс}} = \beta_{\text{макс}} = 90^\circ - \alpha, \quad (14)$$

Иккита йўналтирувчи сирт орасидаги минимум масофаларни қуйидаги математик ифодалар орқали аниқлаймиз:

$$m_1 = \frac{W_1 \text{tg}\beta - L}{\text{tg}\beta}, \quad (15)$$

$$m_2 = \frac{W_1 \text{tg}\theta - L}{\text{tg}\theta}, \quad (16)$$

$$L = \frac{D_1 - D_2}{2}, \quad (17)$$

Шамол оқими кирадиган сирт қувурчасининг энини ҳисоблаш математик ифодаси қуйидагича:

$$W_1 = \sqrt{2R_1^2 - 2R_1^2 \cos\left(\frac{360^\circ}{N}\right)}, \quad (18)$$

бунда R_1 – йўналтирувчи сиртларнинг ташқи радиуси.

Геометрик қонун асосида қуйидаги шартларни қабул қиламиз:

$$(m_1 + m_2) \cdot \frac{N}{2} < \pi D_2, \quad (19)$$

$$m_1 \geq d > 0; \quad m_2 > 0$$

бунда d – ички айланувчи шамол паррагининг ўлчами, м.

Йўналтирувчи сирт қувурчалари орқали йўналтирилган шамол оқимининг тезликларини аниқлаш математик ифодалари қуйидагича:

4-расм (а) даги а ва б соҳа учун

$$V' = V_{\text{ш}} \cdot \left(\frac{\frac{L}{\text{tg}\beta} + m_1}{\frac{L}{\text{tg}\theta} + m_1}\right) \cdot \frac{H_2}{H_1}, \quad (20)$$

4-расм (а) даги б ва с соҳа учун


$$V'' = V_{\text{ш}} \cdot \left(\frac{\frac{L}{\text{tg}\theta} + m_2}{\frac{L}{\text{tg}\beta} + m_2}\right) \cdot \frac{H_2}{H_1}, \quad (21)$$

бунда V – йўналтирувчи сирт қувурчаларига кирадиган шамол оқимининг тезлиги, м/с; сирт қувурчаларининг ташқи ва ички баландликлари $H_1 = H_2$ деб қабул қилинган.

Ташқи йўналтирувчи сирт қувурчалар орқали йўналтирилган шамол оқими тезликларини умумий ҳолатга келтириб ҳисоблаймиз. Ушбу ифода қуйидагича аниқланади:

$$V = \frac{v' + v''}{2}, \quad (22)$$


5-расмда келтирилган натижалар, ташқи йўналтирувчи сиртлар орқали йўналтирилган шамол оқими тезлиги ўзгаришининг минимал ва максимал қийматлари йўналтирувчи сиртларнинг вертикал ўққа нисбатан ўрнатилиш β ва θ бурчаклари, m_1 ва m_2 йўналтирувчи сиртлар орасидаги минимум масофаларга боғлиқ бўлиши тадқиқ қилинди. Бунда йўналтирувчи сиртларнинг ташқи диаметри 1,4 м, ички диаметри 1 м, йўналтирувчи сиртлар сони 12 та бўлганда β ва θ бурчаклар (38° - 74°) ҳамда m_1 ва m_2 сиртлар орасидаги масофалар (0,104-0,303) ораликларда ўзгариши геометрик қонунлар ва юқорида келтирилган математик ифодалар орқали ҳисобланди. Демак, йўналтирувчи сиртларнинг геометрик мақбул ўлчамлари $\beta = 38^\circ$, $\theta = 74^\circ$, $m_1 = 0,104$ м, $m_2 = 0,303$ м бўлганда, йўналтирувчи сиртлар орқали йўналтирилган шамол оқими тезлигини 50% гача ошириш имкони мавжуд эканлиги аниқланди.



5-расм. Шамол тезлиги ўзгаришининг ($V_{ш}, \beta, \theta, m_i$) параметрларга боғлиқлик эгри чизиқлари

Шамол энергетик қурилмаси Solidworks дастурида 3d конструкцияси лойиҳаланди ҳамда шамол оқими ҳаракати симуляцияси баҳоланди.


6-расмда статор ва ротори тескари айланадиган электр генераторнинг Matlab/Simulink дастурида қурилган математик модели ва чиқиш параметрининг динамик режимдаги натижалари келтирилган. Электр генераторнинг статор ва ротори бир-бирига нисбатан тескари айланганда, генератор статори қўзғалмас бўлган ҳолатдагига нисбатан самарадорлигини 20% гача ошириш мумкинлиги аниқланди.



а – генераторнинг Matlab/Simulink дастурида қурилган модели; б – генераторнинг электромагнит қувватнинг динамик режимдаги солиштириш натижалари


6-расм. Электр генераторнинг математик модели

Шамол тезлигининг механик момент ва механик қувватга боғлиқлик натижалари 7-расмда келтирилган. Ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик мақбул ўлчамлари $\beta = 38^\circ$, $\theta = 74^\circ$, $m_1 = 0,104$ м, $m_2 = 0,3030$ м бўлганда, механик момент ва қувват қийматлари максимал бўлар экан.



7-расм. Шамол тезлигининг механик момент (а) ва механик қувват (б) га боғлиқлик эгри чизиқлари

Matlab/Simulink амалий дастурида моделлаштирилган шамол энергетик қурилмасининг динамик режимдаги чиқиш параметрларининг шамол тезлиги ўзгаришига боғлиқлик натижалари келтирилган (8-расмга қаранг). Бунда шамол оқимининг ўзгариш тезлиги 3-9 м/с қабул қилинган.



а – кучланиш; б – электромагнит қувват


8-расм. Matlab/Simulink амалий дастурида шамол энергетик қурилмасининг динамик режимдаги чиқиш параметрларининг қийматлари келтирилган эгри чизиқлар

Шамол энергетик қурилмаларининг ишлаш самарадорлиги шамол энергиясидан фойдаланиш коэффициентини (C_p) орқали аниқланади⁵.

$$C_p = \left(\frac{3C_{p\max}}{a_{\max}^2} \right) a^2 - \left(\frac{2C_{p\max}}{a_{\max}^3} \right) a^3 \quad (23)$$

$$a = \frac{30\pi n R}{V} \quad (24)$$

бунда n – шамол парракларининг ҳаракатининг механик тезлиги, об/мин; R – шамол турбинаси радиуси, м. V – йўналтирувчи сиртлар орқали йўналтирилган шамол оқими тезлиги, м/с.



9-расм. Шамол энергиясидан фойдаланиш коэффициентининг шамол парраклари тез айланувчанлик коэффициентига боғлиқлик эгри чизиғи (а); шамол парраклари тез айланувчанлик коэффициентининг шамол тезлигига боғлиқлик эгри чизиғи (б)

Диссертациянинг «Шамол энергетик қурилмасининг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмасинининг тажриба-синов натижалари, тажриба натижаларини қайта ишлаш асосида олинган эмпирик боғлиқликлар, амалиётда жорий этиш бўйича маълумотлар ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Эксперимент натижаларини қайта ишлаш асосида йўналтирувчи сиртлар орқали йўналтирилган шамол оқими тезлиги ўзгаришини аниқловчи эмпирик тенгламалар олинди.

$$V' = 0.404 \cdot V_{\text{ш}}^{1.033} \cdot \text{tg}(\beta)^{-0.052} \cdot m_1^{-0.707} \quad (25)$$

$$V'' = 0.669 \cdot V_{\text{ш}}^1 \cdot \text{tg}(\beta)^{0.306} \quad (26)$$


Бунда куйидаги бошланғич шартлар қабул қилинади:

(25) ифода учун: $3 \leq V_{\text{ш}} \leq 9$ м/с; $38^\circ \leq \beta \leq 74^\circ$; $\theta = 74^\circ$; $0,104 \leq m_1 \leq 0,303$ м,

(26) ифода учун: $3 \leq V_{\text{ш}} \leq 9$ м/с; $38^\circ \leq \beta \leq 74^\circ$; $\theta = 74^\circ$; $m_2 = 0,303$ м.

Регрессия тенгламаларининг аҳамиятлилиги Фишернинг F-критерияси ёрдамида баҳоланди. Ҳисоблаб чиқилган қийматларни жадвалдаги қийматлар билан таққослаймиз. Аҳамиятлик даражаси 0,05 га ва эркинлик даражаларининг $\gamma_1 = 63$, $\gamma_2 = 59$ сонида Фишер F-мезонининг ҳисоблаб чиқилган қиймати V' ҳолат учун ($F_{\text{ҳис}} = 1,03$) ва V'' ҳолат учун ($F_{\text{ҳис}} = 0,98$) жадвалдаги қийматидан ($F_{\text{жад}} = 1,53$) кичик, демак, тузилган регрессия тенгламалари аҳамиятли. Ҳисоблашнинг нисбий хатолиги $\pm 6\%$ га тенг.


⁵ J.F. Manwell., J.G. McGowan., A.L. Rogers. Wind Energy Explained: Theory, Design and Application 2nd Edition, 2009 John Wiley & Sons Ltd., pp. 705



10-расм. Эксперимент натижаларни қайта ишлаш орқали назарий ва эксперимент натижаларни монандлигини баҳолаш

Олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига асосланиб, ташқи йўналтирувчи сиртларнинг геометрик мақбул ўлчамлари ташқи диаметри $D_1 = 1,4$ м, ички диаметри $D_2 = 1$ м, йўналтирувчи сиртлар сони 12 та, йўналтирувчи сиртларнинг вертикал ўққа нисбатан ўрнатилиш бурчаклари $\beta = 38^\circ$, $\theta = 74^\circ$, сиртлар орасидаги минимум масофалар $m_1 = 0,104$ м, $m_2 = 0,303$ м бўлганда, ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмаси кучсиз шамол оқимларида самарадор ишлаши аниқланди.

Ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмасини энг яқин аналог қурилмалар билан солиштириш натижалари 11-расмда келтирилган. 1 – эгри чизиқда ишлаб чиқилган шамол энеретик қурилмаси, 2 – эгри чизиқ энг яқин аналог Хитой давлатида ишлаб чиқилган «GWV-600W»⁶ типли шамол энергетик қурилмаси. Солиштириш натижаларига асосан ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмаси кучсиз шамол оқимларида ишлаш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.



11-расм. Ишлаб чиқарилган шамол энергетик қурилмасини аналог қурилма билан солиштириш натижалари

⁶ http://www.greatwatt.com/products.asp?Product_ID=21

1-жадвал**Ишлаб чиқарилган шамол энергетик қурилмаси дизел генератор ва электр тармоқни олиб келишдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан таққосланди**

Кўрсаткичлар	Ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмаси	Дизел генератор	Электр тармоқ
Ўрнатилган қувват, кВт	4	4	-
Электр тармоқни келтиришда сарфланган харажатлар, млн.сўм	-	-	800
Бир йилда ўртача ишлаб чиқариладиган электр энергия миқдори, кВт·соат	7600	7000	-
Қурилманинг баланс нархи, млн.сўм	36	5	-
Амортизация ажратмалари, млн.сўм	1,04	0,145	27,84
Жорий таъмирлаш харажатлари, млн.сўм	1,08	0,15	7,68
Ёқилғи харажатлари, млн.сўм	-	19,25	-
Эксплуатацион харажатлар, млн.сўм	2,62	19,55	35,52
Ишлаб чиқарилган электр энергияси нархи, 1 кВт·соат сўм	365	2790	-

Ишлаб чиқилган 4 кВт қувватли шамол энергетик қурилмаси бир йилда тахминан, ўртача 4,3 т дизел ёқилғиси тежалиши ва 12,92 тоннадан зиёдроқ карбонат ангидрид (CO_2) гази атмосферага чиқариб юборилишининг олди олинганлиги аниқланди.

Диссертациянинг иловаларида Вейбул эҳтимоллик тақсимот функциясидаги шакл ва масштаб параметрларни ҳисоблаш натижалари, шамол тезлиги такрорланувчанлиги (роза ветров) маълумотлари, турли баландликдаги шамол энергиясини салоҳиятини аниқлаш ЭҲМ дастури имкониятлари ҳамда жорий этиш далолатномалари келтирилган.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Бухоро вилоятининг метеомаълумотларини статик қайта ишлаш орқали турли баландликдаги шамол энергияси ресурслар салоҳиятини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилиб, ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган. Гиждувон, Шофиркон, Пешку, Олот, Қоракўл ҳудудларида шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари юқори эканлиги аниқланган.

2. Ташқи йўналтирувчи сирт қувурчалари орқали йўналтирилган шамол оқими ўзгариш тезлиги $V_{ум}$ ни аниқлашда йўналтирувчи сиртларни вертикал ўққа нисбатан қиялик бурчаклари β ва θ , сиртлар орасидаги минимум масофалар m_1 ва m_2 ларга боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинган.

3. Ташқи йўналтирувчи сиртларнинг вертикал ўққа нисбатан ўрнатилиш бурчаклари $\beta=38^\circ$ ва $\theta=74^\circ$, йўналтирувчи сиртлар орасидаги минимум масофалар $m_1=0,104$ м, $m_2=0,303$ м бўлганда шамол турбинасида барқарор ва ўзгармас айлантирувчи моментни максимал қийматига эришиш шартлари аниқланган.

4. Ишлаб чиқилган шамол энергетик қурилмасига ташқи йўналтирувчи сиртлар ҳамда статор ва ротори бир-бирига нисбатан тескари айланадиган паст частотали электр генераторни қўлланилиши ҳисобига, кучсиз шамол оқимларида энергия ишлаб чиқариш ҳажми 20% гача ошириш имкони яратилган.

5. Кучсиз шамол оқимларида барқарор ишловчи шамол энергетик қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва унинг конструктив ўлчамлари ҳамда электр генераторнинг техник-иктисодий кўрсаткичларига боғлиқлиги ўрганилган.

6. Ташқи йўналтирувчи сирт қувурчаларида олинган тажриба натижалари умумлаштирилиб, сирт қувурчаларида шамол оқими тезлиги ўзгариш қийматини аниқлаш учун хатолиги $\pm 6\%$ бўлган юқори аниқликдаги эмпирик тенгламалар ишлаб чиқилган.

7. Статор ва ротори бир-бирига нисбатан тескари айланадиган кўп қутбли электрогенератор тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди ҳамда генераторнинг турли шамол оқими тезлигига боғлиқлик энергетик параметрлар қийматининг ўзгариши ўрганилган.

8. Қуввати 4 кВт бўлган шамол энергетик қурилмасининг жорий этишдаги иқтисодий самарадорлиги «Соф дисконт» усулидан фойдаланиб баҳоланган. Бунда соф жорий қиймат 70 млн.сўмни, статик қоплаш муддати 2,13 йил ва динамик қоплаш муддати 4,16 йил эканлиги аниқланди. Шамол энергетик қурилмасини Бухоро вилоятининг иқлим шароитларида тахминан, 6,321 т.ш.ё тежалиши ва 12,92 тоннадан зиёд карбонат ангидрид (CO_2) гази атмосферага чиқариб юборилишининг олдини олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

САФАРОВ АЛИШЕР БЕКМУРОДОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ВЕТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ
УСТАНОВКИ, АДАПТИРОВАННОЙ К КЛИМАТИЧЕСКИМ
УСЛОВИЯМ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

05.05.06 – Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Т777.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qmii.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Садуллаев Насулло Нематович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тоиров Олимжон Зувурович доктор технических наук, профессор Уришев Боборахим Уришевич доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров иригации и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится 24 июня 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 при Каршинском инженерно-экономическом институте. (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Тел: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (зарегистрировано № 6). (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Тел: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан 9 июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от 9 июня 2021 года).



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование возобновляемых источников энергии занимает одно из ведущих мест по экономии топливно-энергетических ресурсов, повышению надежности и бесперебойности энергоснабжения. «Учитывая, что запланированное увеличение доли использования возобновляемых источников энергии на 32%, энергоэффективности на 32,5%, уменьшение выбросов и парниковых газов как минимум на 40% на мировом уровне в период с 2021 по 2030 года»¹, требует внедрения на практике ветроэнергетических установок, повышающих бесперебойность и надежность энергии. В связи с этим, использование ветроэнергетических установок, адаптированных к климатическим условиям региона имеет важное значение.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на создание оптимальных конструкций ветроэнергетических установок для энергопотребителей малой мощности и научное обоснование их параметров. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию ветроэнергетических установок адаптированных к климатическим условиям, обоснованию процесса технологической работы и энергетических параметров.

В республике достигнуты определенные результаты по принятию комплексных мер и расширению использования энергии ветра в энергетических сетях, разработки усовершенствованных ветроэнергетических установок на основе энергосберегающих технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, определены задачи: «...внедрения инновационных технологий, научно-технических разработок в сфере развития возобновляемой энергетики и повышения энергоэффективности, расширение производства и локализации энергосберегающего оборудования и приборов, в том числе путем трансфера технологий и создания инженерных центров...»². При реализации этих задач, большое значение имеет создание научно-технических решений по созданию ветроэнергетических установок предназначенных для выработки электроэнергии с использованием энергии ветра, а также обоснованию оптимальных параметров.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О Программе мероприятий по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, энергоэффективности в экономике и социальной сфере на 2017-2021 годы» и № ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об оперативных мерах по повышению энергоэффективности экономического и социального секторов, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников

¹ https://ec.europa.eu/clima/policies/strategies/2030_en

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

энергии», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям и развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологии, фотоники и других передовых технологий».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на разработку научно-технических решений по созданию энергетических установок, предназначенных для выработки электроэнергии с использованием энергии ветра, были проведены известными учеными П.П. Безруких, В.Т. Чонг, Ванг Чо, Кооксун Ли, Н.Е. Жуковским, Я.И. Шефтером, Е.М. Фатеевым, Ж.М. Дарриусом, С.Ж. Савониусом, А.М. Рашам, К.М. Азад, Е.В. Соломин, В.В. Елистратовым, С.Г. Обуховым и др.

В республике научные исследования по использованию возобновляемых источников энергии, улучшению и увеличению эффективности ветроэнергетических установок были проведены К.Р. Аллаевым, Р.А. Захидовым, У.А. Таджиевым, К.Т. Алимходжаевым, У.Г. Дехконовым и другими учеными.

Несмотря на положительные результаты данных исследований по использованию энергии ветра и проектированию ветроэлектростанций в районах, удаленных от централизованного электроснабжения, недостаточно проведены исследования по разработке ветроэнергетических установок, предназначенных для работы при переменных и слабых потоках ветра, адаптированных к южным регионам нашей республики.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательской работы Бухарского инженерно-технологического института в рамках фундаментального проекта ОТ-Ф2-62 «Развитие теории построения интеллектуальной сети промышленного предприятия на основе обобщенного показателя эффективности системы электроснабжения».

Целью исследования является разработка ветроэнергетической установки с вертикальной осью, работающей при малых потоках ветра и обоснование её параметров.

Задачи исследования:

оценка потенциала ветроэнергетических ресурсов на разных высотах в Бухарской области;

разработка нового типа ветроэнергетической установки с вертикальной осью вращения, адаптированной к климатическим условиям;

разработка математической модели, описывающей зависимость конструктивных размеров и энергетических параметров ветроэнергетической установки с вертикальной осью вращения от скорости потока ветра;

